

УЙДА ҚОЛИНГ / мутолаа қилинг!

Ishonch

2020 йил 5 апрел • якшанба • № 42 (4327)

Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси нашри • Газета 1991 йил 21 марта чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ
КОРОНАВИРУС
ПАНДЕМИЯСИ
ДАВРИДА АХОЛИ,
ИКТИСОДИЁТ
ТАРМОҚЛАРИ ВА
ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИНИ
ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА
ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишини кучайтириш ва иктисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишингин барқарорлигини тъминлаш, шунингдек, айrim xўjaligini юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашга мақсадидা:

1. 2020 йил 31 декабрга қадар 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда божхона боски ва акциз солиғининг **ноль ставкалари белгилансин**.

Тариф ва нотариф тартибига солиш кенгашга Инвестициялар ва ташки савдо вазирилиги, Иктисодий тараққиёт ва камбағалини қисқартириш вазирилиги билан биргаликда иккича ҳафта муддатда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришиша фойдаланиш учун олиб кириладиган хомашё, материаллар, аксессуарлар ва бутловчи қисмларнинг нархини пасайтиришга алоҳида этибор қаратган ҳолда, ташки иктисодий фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритсан.

2. Жорий йилнинг марта-июн ойларида тўлаш муддати тугайдиган болалари бўлган оиласларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар тўлаш **уларни тўлашни янги муддатда давом этириш тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа хужжатларни талаф қилимаган ҳолда б 6 муддатда** (бироқ бола тегисличи 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгундан кўп бўлмаган муддатда) танағфусиз давом этирилсин.

Белгиланиски, ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўлашни узайтириш билан бөғлиқ ҳарахатлар Инкіророзга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

3. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлари белуп тъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати карантин тадбирлари амал қилиши даврида **бир марталик ниқоблар, антисептик воситалар ва бактерия қарши сунвалар жамламаси** билан тўлдирилсин.

4. Белгиланиски, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар кўйидагилар:

а) туроператорлар, туратегилар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, «Uzbekistan Airways» АЖ ва унинг таркибий бўлчимлари, «Uzbekistan Airports» АЖ ва ўзаренавигация маркази» ДУК:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади;


ижтимоий солиқни камайтирилган ставка 1 фоиз миқдорида тўлайди;

б) товарларни (хизматларни) реализация қилиши айланмаси ойига **1 миллиард сўмдан ошмайдиган** ва электрон хисоб-фактуларни қўллайдиган кўшилган қиймат солиғи тўловчилар ушбу солиқни ҳар чораклиг асосда ҳисоблаш ва тўлаш хукуқига эта;

в) фойдаланимаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншотларга, шу жумладан, 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан **мол-мулки солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш**, шунингдек, кўрсатилган солиқлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пена ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилиди.

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 5 апрел • якшанба • № 42 (4327)



Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раҳбарияти, аъзолари ва девон ходимлари коронавирус тест топшириди. Тест натижалари манфий бўлиб, уларда вирус аниқланмаган.



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини электр энергиясига бўлган эквибриджини тўлиқ қоплаш мақсадида, Западни тунни Тахиатош Иссиклик Электр Станцияси (ИЭС) 280 МВт кувватдаги буғ-газ қурилмаси ишга тушрилди.

2020 йил 4 апрель кунинча Республика «Мехр-шарфат ва саломатлик» жамоати фонди хисоб рақамига жами 41 миллиард 722 миллион сўм маблаб келиб тушган.

Мамлакатимизнинг АҚШаги дипломатик миссияси раҳбари **Жавлон Ваҳобов** мамлакатимизнинг Вашингтон шаҳридаги зилихонаси ходимлари ҳамда Давлат департаменти вакиллари ўтасида видеоконференция шаклида ўзштирилган мулокотда иштирок этди. Суҳбат давомида коронавирусга қарашда ўзбекистонга молиявий-техник ёрдам кўрсатиш масаласи мухоммад қилинди.

Мирзоҳид Убайдуллаев Фаронга вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалларни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – вилоят иктисодий тараққиёт ва камбағалларни қисқартириш бош бошкармаси бошлиги этиб тайинланди.

Шукратжон Тожиҳакимов Дангарга тумани раҳбарлигига тайинланди.

Адҳамжон Зиёвуддинов Марғilon шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Равшан Рахимжонов Кувасой шаҳрига ҳоким этиб тайинланди.



Осие тараққиёт банки (ОТБ) нинг Савдони молиялаштириш дастури (СМД) ва Ўзбекистонинг «Asia Alliance Bank» акциядорлик тижорат банки мамлакатда савдо амалиётларини қўллаб-қувватлаш ваколатларини тақдим этиш тўғрисидаги **Битимни имзолаши**.



«Ўзбекистон экспортчилари» уюшмасининг инл. бизнес уйи шу йилнинг январь ойида Малайзияда очилган эди. Ўтган 3 ой ичидаги улар сони 10 тага этиди, айни вактда уюшмасининг Туркия, Украина, Киргизистон, Афғонистон, Жанубий Корея, Англия ва АҚШда Бизнес уйлари мавжуд эди. Шу кунларда эса **Норвегия, Хитой ҳамда Россияда** ҳам Бизнес уйи **вакиллари** иш бошлади.



Осие инфратизумла инвестиялари банки (AIIB) Бухоро вилоятининг ичимлик сув ва канализация инфратизуммасин ривожлантириш учун 385,12 миллион доллар кредит ажратилишини маъқуллади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

